



**ЎЗБЕКИСТОНДА ИСЛОМ МОЛИЯСИНИ РИВОЖЛАНИШИДА МАЛАЙЗИЯ
ТАЖРИБАСИДАН ФЙДАЛАНИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ**

Иргашева Гулбахор Содиковна

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Аннотация. Мазкур мақоланинг мақсади Малайзияда ислоний молия саноатининг ривожланиш тажрибасини тадқиқ қилиш, жумладан, ислон молиясининг ривожланиш тарихи, ислоний молия хизматларини ташкил этиш йўлидаги зарурий инфратузилмани шакллантириш, Ислон молиясининг ривожланиш индексидаги мамлакатнинг ўрни, ислоний банк-молия саноатининг ривожланиш йўлида ҳисса қўшиб келаётган тадқиқот институтларининг аҳамияти, лойиҳаларни ислоний молиялаштириш амалиёти ва ривожланиш йўлидаги тўсиқлар ва ечимлар тадқиқ қилинган. Шунингдек, Ўзбекистонда инвестицион лойиҳаларни ислоний молиялаштириш амалиёти таҳлил қилинган бўлиб, ислон молия тизимини ривожланиш йўлидаги тўсиқларни бартараф этилиши бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқишда Малайзиянинг тажрибасини Ўзбекистонда тадбиқ қилиш йўналишлари кўриб чиқилган.

Калит сўзлари: ислоний молия саноати, меъёрий-ҳуқуқий база, ислоний инвестициялар, ислоний молия маҳсулотлари, ИТБ, ХСРИК, инвестиция лойиҳалари.

**НАПРАВЛЕНИЯ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ МАЛАЙЗИЙСКОГО ОПЫТА В РАЗВИТИИ
ИСЛАМСКОГО ФИНАНСИРОВАНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ**

Иргашева Гулбахор Содиковна

Ташкентский государственный экономический университет

Аннотация. Целью данной статьи является исследование опыта развития отрасли исламских финансов в Малайзии, в том числе история развития исламских финансов, формирование необходимой инфраструктуры для создания службы исламских финансов, место страны в системе исламских финансов. индекс развития, исследуется важность исследовательских институтов, способствующих развитию исламской банковской и финансовой индустрии, практика исламского проектного финансирования, а также барьеры и решения для развития. Также была проанализирована практика исламского финансирования инвестиционных проектов в Узбекистане и рассмотрены направления применения опыта Малайзии в Узбекистане при разработке мер по устранению препятствий на пути развития исламской финансовой системы.

Ключевые слова: индустрия исламских финансов, нормативно-правовая база, исламские инвестиции, продукты исламских финансов, ИТБ, ХСРИК, инвестиционные проекты.

**DIRECTIONS FOR USING MALAYSIAN EXPERIENCE IN THE DEVELOPMENT OF ISLAMIC
FINANCE IN UZBEKISTAN**

Irgasheva Gulbahor Sodikovna

Tashkent State University of Economics

Abstract. The purpose of this article is to research the development experience of the Islamic finance industry in Malaysia, including the history of the development of Islamic finance, the formation of the necessary infrastructure for the establishment of Islamic finance services, the country's place in the Islamic finance development index, the importance of research institutions contributing to the development of the Islamic banking and finance industry, Islamic project finance practices and development barriers and solutions are explored. Also, the practice of Islamic financing of investment projects in Uzbekistan was analyzed, and directions for applying Malaysia's experience in Uzbekistan were considered in the development of measures to eliminate obstacles to the development of the Islamic financial system.

Keywords. Islamic finance industry, regulatory framework, Islamic investments, Islamic finance products, ITB, XSRIK, investment projects.

Кириш.

Ислом молияси ислом иқтисодиётининг энг муҳим таркибий қисми бўлиб, ислом қонунлари мажмуи бўлган шариатга асосланади. Бизга маълумки шариат мусулмонларнинг ўзаро муносабатларида, уларнинг ижтимоий, иқтисодий, маънавий-ахлоқий қадриятларида ўз ифодасини топади. Ислом молиясининг шаклланиши, унинг замонавий иқтисодий-молиявий жараёнлар сифатидаги ўрни ХХ асрнинг 50 йилларига бориб тақалади. Худди шу даврдан бошлаб, аҳолисининг асосий қисми мусулмонлардан иборат бўлган мамлакатлар мустақилликка эришишни бошладилар. Хусусан, Покистон 1947 йилда, Малайзия 1957 йил, Қувайт 1961 йил, БАА 1971 йилда мустақилликка эришадилар ва улар маълум бир соҳада ривожланишни бошлайди. Уларда асосан, нефт, табиий газ ва шунга ўхшаш табиий бойликлар кўп миқдорда қазиб чиқарила бошлайди, шу билан бирга экспорт ҳам сезиларли даражада ўсади. Бунинг натижасида, маблағларини сақлаш учун жамғармалар ташкил этилишини, мамлакатлар аҳолисининг асосий қисми мусулмонлар эканлиги инobatга олиб, жамғармалар асосан ислом тамойилларига асосланган бўлишини талаб этади ва шу тариқа, ислом молиясининг шаклланишига замин яратилади. Ҳозирги кунга келиб эса, жаҳонда ислом молия тизими жадал суръатларда ривожланиб бораётган ва ишончли, инновацион молиялаштириш механизмларини ўзида жамланган соҳалардан бири ҳисобланиб, 2022 йил якунлари бўйича ушбу тармоқнинг ялпи активлари миқдори 4 триллион АҚШ долларини ташкил этди ва йилига ўртача 15-20 фоизга ўсиб бормоқда. Шунингдек, бугунги кунда жаҳон миқёсида 47 та мамлакатда ислом молия муносабатларини қўллаш учун ҳуқуқий асос яратилган бўлиб, ушбу давлатларда кенг қўламли молиявий хизматлар таклиф этаётган 1600 га яқин ислом молия муассасалари мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев ИХТТИФ кенгаши 43-сессияси очилиши маросимида сўзлаган нутқида “Ислом олами улкан иқтисодий, инвестицион салоҳият, энергетика ресурсларига эга. Улардан тўғри фойдаланиш, Ислом ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатларнинг халқаро савдо-иқтисодий, молиявий, инвестицион ҳамкорлигини кенгайтириш, мамлакатларимизни бирлаштирадиган транспорт йўлларини ташкил этиш юксак иқтисодий тараққиёт кўрсаткичларига эришиш имконини беради ва бу пировард натижада бошқа барча соҳаларнинг ривожланишида асос бўлиб хизмат қилади”, – дея таъкидлаб ўтган эди. Шундай экан, мусулмон давлатларидаги фаолияти исломий молиялаштиришга асосланган мавжуд банклар, инвестиция фондлари ва компаниялар маблағларини Ўзбекистонга жалб қилиш мамлакатга хорижий инвестициялар оқимини ошишига олиб келади. Бу эса Ўзбекистонда ислом молияси ва исломий банкларни ташкил қилиш йўлидаги муаммоларни ўрганиш ва бу борада ислом молиясини ривожлантиришда катта ютуқларга эришган, ислом молия тизимини энг юксак даражада ўзида жорий эта олган Малайзия мамлакати тажрибасини ўрганиш ва Ўзбекистонда ушбу йўналишни жорий этишда фойдаланилиши мумкин бўлган илмий хулоса ва тавсияларни ишлаб чиқиш илмий мақоламизни долзарблигини кўрсатиб беради.

Адабиётлар шарҳи.

Мақоламизда асосан Ўзбекистонда ислом молиясини ривожланишида Малайзия тажрибасидан фойдаланиш, шунингдек, ислом иқтисодиёти тамойиллари асосида инвестицияларни мамлакатга жалб қилишни ўрганишга қаратилган.

Замонавий глобаллашаётган дунёда муқобил иқтисодий моделларни, хусусан, ислом иқтисодиёти ва молиясини ўрганишга қизиқиш ортиб бормоқда. Ислом иқтисодиётининг бир қисми бўлмиш ислом молияси тажрибаси бутун дунёда иқтисодий ривожланишнинг истиқболли йўналишларидан бири сифатида эътироф этилмоқда. Айниқса, ислом молияси ва исломий банклар Малайзияда шиддат билан ривожланиб бораётганлиги таҳсинга сазовордир. Ислом молияси жадал суръатлар билан ўсиб бораётганлигини инobatга олиб, ислом иқтисодиёти ва молия тизими ҳақидаги асосий билимлар кўплаб мутахассислар, молиячилар, тадқиқотчилар ва университет профессорларини жалб қилмоқда. Исломий инвестициялар нафақат диний инвестиция сифатида, балки ижтимоий жиҳатдан мақбул бўлган реал иқтисодий фаолиятни рағбатлантирадиган инвестицияларнинг ахлоқий шакли сифатида ҳам қаралади. Ушбу инвестиция ёндашувининг соф самараси рақобатбардош инвестиция даромадларини яратиш ва ахлоқий бизнес амалиётларини рағбатлантиришдир. Бундан ташқари, мамлакатда лойиҳаларни ислом иқтисодиёти тамойиллари асосида инвестициялашни ташкил этиш ҳамда уни самарали тарзда юритишнинг назарий ва амалий жиҳатлари хорижлик йирик иқтисодчи


олимлар (Усманий 2007, Гинтинг ва Руҳана 2019, Ҳаидер 2018, Мариатул ва Муса 2016) томонидан тадқиқот олиб борилган.

Бундан ташқари, (Нурулашикин ва бошқ. 2022) кабилар томонидан ёзилган мақола, (Маҳер ва Дриди 2010) олимларнинг тадқиқот ишларидан фойдаланган ҳолда ушбу мақола ёзилди. Шунингдек, МДХ мамлакатлари олимларидан (Трофимова 2009, Антропов 2017, Мокина 2017) каби олимларнинг илмий ишларида ислом иқтисодиёти ва исломий инвестициялар бўйича масалалар атрофлича ёритилган. Бундан ташқари, ўзбек олим ва тадқиқотчилардан (Ҳасанов 2017, Имамназаров 2023, Аброров 2020, Турсунов 2021, Зайниддиновлар 2022)лар ислом молияси масалаларида ўзларини илмий ишларини олиб боришган. Ушбу олимлар томонидан амалга оширилган илмий ишларда ислом молиясининг назарий асослари, ислом банкчилигини Ўзбекистонда ташкил этиш масалалари, сукук исломий қимматли қоғози амалиётини жорий қилиш, инвестицион лойиҳаларни исломий молиялаштириш самарадорлигини оширишга оид тадқиқот ишларида Ўзбекистонда ислом молиясини ривожлантиришга доир хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқилган. Лекин, бу соҳада Ўзбекистонда кам сонли тадқиқотчилар томонидан илмий изланишлар амалга оширилган бўлиб, биз ҳам бу соҳада ўзимизнинг маълум бир ҳиссамизни қўшишга қарор қилдик.

Биз бу тадқиқотимизда, исломий давлатлар орасида ислом банк молия тизими анча равақ топган Малайзия тажрибасидан фойдаланган ҳолда Ўзбекистонда ислом молиясини ривожлантириш, банк тизими, инвестициялар оқимини оширишда исломий инвестицияларни кенг жалб қилишга доир хулосалар ва тавсиялар ишлаб чиқишга қаратилган. Шунингдек, Ўзбекистонда ички ва хорижий инвестициялар оқимини оширишда ислом иқтисодиёти тамойиллари асосида инвестицияларни жалб қилишда ислом банк молия тизими равақ топган давлатлар тажрибасидан фойдаланиш ва шу орқали инвестицияларни диверсификация қилиш мақсади билан боғлиқ тадқиқотларни амалга ошириш бугунги куннинг энг муҳим долзарб мавзуларидан бири ҳисобланади.

Тадқиқот методологияси.

Илмий мақоламизда асосан миқдорий тадқиқот усулидан кенг фойдаланилди. Шунингдек, индукция ва дедукция, мақсадли ривожлантириш, тизимли ва қиёсий таҳлил, график тасвирлаш, эксперт баҳолаш, иқтисодий статистик кабилар ҳам мақоламизда фойдаланилган усуллар ҳисобланади (1-расм).




1-расм. Тадқиқотни амалга ошириш босқичлари

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Сўнги йилларда жаҳон ислом молиясини ривожланиш йўлида бир қанча ишлар амалга оширилди. Айниқса, Малайзия бу соҳа бўйича анчадан буён етакчиликни эгаллаб келмоқда. Ушбу ютуқларга эришишда бир қанча омиллар ижобий рол ўйнади ва ушбу омилларни қуйида бирма-бир келтириб ўтамыз.

Жаҳон банкининг 2022 йилги маълумотларига кўра, Малайзияда ўртача даромад даражаси ўрта юқори ва аҳолиси 32 776 195 киши бўлиб, аҳолисининг 64%га яқини ислом динига эътиқод қилади ва бу эса мамлакатда исломий банкларнинг хизматларига бўлган талабни йил сайин ошиб боришига олиб келмоқда. Шунингдек, молиявий хизматлар мамлакатнинг иқтисодий ўсишига ҳисса қўшадиган соҳа саналади. Бундан кўриш мумкинки, иқтисодий ўсишга асосан бешта соҳа юқори даражада ҳисса қўшиб ЯИМни яратишда хизматлар

кўрсатиш сектори энг юқори улушга эга, ундан кейинги ўринларда ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги, тоғ-кон саноати яъни кончилик ва қурилиш соҳалари туради. Қуйидаги 2 расмдан ҳам кўришимиз мумкинки, Малайзияда Ялпи ички маҳсулотнинг кўрсаткичи 2018 йилдан 2021 йилгача бўлган даврда хизмат кўрсатиш соҳаси жами кўрсаткичнинг 50%дан кўпроғи бўлганлигини кўриш мумкин ва бу мамлакат иқтисодиётига юқори даражада ҳисса қўшмоқда. Бунда ислом молия саноатининг хиссаси каттадир, қуйида бунинг исботини кўриб чиқамиз. Бундан ташқари, саноат соҳаси эса ялпи ички маҳсулотнинг кўрсаткичи 2018 йилда 22,4% дан 2021 йилда 28,7%га, тоғ-кон саноати 2018-2021 йиллар оралиғида 7,6 %дан 8,2 % ҳисса қўшганлигини кўриш мумкин. Албатта, бу соҳаларни молиялаштиришда ислом молиясининг улуши катта ҳисобланади.



2 расм. Малайзияда ЯИМ нинг секторлар кесимида яратилиши 2018 йилдан 2021 йилгача

Малайзиядаги молиявий хизматлар сектори 26 та тижорат банки, 11 та инвестиция банки ва 16 та ислом банкидан иборат бўлиб, улардан 30 таси маҳаллий ва 23 таси хорижий банкларга тегишли. Ушбу молия институтлари Малайзия марказий банки - Банк Негара Малайзия (BNM)дан лицензияни олишлари билан ўз фаолиятларини бошлашган.


2 жадвал

Малайзияда ислом банкларининг 15 та намунаси

	Банк номи	Мулкка эғалик қилиш
1	Affin Islamic Bank Berhad	Маҳаллий
2	Al-Rajhi Banking & Investment Corporation Malaysia Berhad	Хорижий
3	Alliance Islamic Bank Berhad	Маҳаллий
4	AmBank Islamic Berhad	Маҳаллий
5	Bank Islam Malaysia Berhad	Маҳаллий
6	Bank Muamalat Malaysia Berhad	Маҳаллий
7	CIMB Islamic Bank Berhad	Маҳаллий
8	Hong Leong Islamic Bank Berhad	Маҳаллий
9	HSBC Amanah Malaysia Berhad	Хорижий
10	Maybank Islamic Berhad	Маҳаллий
11	MBSB Bank Berhad	Маҳаллий
12	OCBC Al-Amin Bank Berhad	Хорижий
13	Public Islamic Bank Berhad	Маҳаллий
14	RHB Islamic Bank Berhad	Маҳаллий
15	Standard Chartered Saadiq Berhad	Хорижий

Малайзияда ислом молиясини ташкил топиш тарихи ҳақида тўхталадиган бўлсак, дастлаб Малайзия шариат талабларига мос келадиган замонавий молиявий андозани тиклаш ҳақидаги масалани тизимли тадқиқот этиш бўйича ташаббусни ўз зиммасига олган дастлабки мамлакат ҳисобланиб, бугунги кунга қадар у исломий молиявий воситалар бозорида етакчи мавқени эгалламоқда. Мазкур тадқиқотлар натижасида 1963 йилдаёқ ҳамкорликдаги инвестицияларни бошқарувчи компания вазифасини ўз зиммасига олган Малайзия Ҳожилар жамғармаси ташкил этилди (Pilgrims Fund Board, Lembaga Tabung Haji). Бу жамғарма Малайзиядаги биринчи шариатга асосланган депозит қабул қилувчи муассаса ҳисобланади. Дастлаб Малайзияда исломий банк иши исломда тақиқланган рибодан ҳоли омонатларни қабул қилиш ва кредитлар бериш каби асосий банк хизматлари ва маҳсулотларини тақдим этган. Бугунги кунга келиб, мамлакат иқтисодиёти ва саноати ўсиб бориш натижасида исломий банкларга бўлган талаб ва таклиф ошиб бормоқда. Шунингдек, Малайзияда дастлабки банкчилик 1958 йилда марказий банкни ташкил этиш тўғрисидаги қонун асосида 1959 йилда Марказий банк – Банк Негара Малайсия (БНМ) Малайзия Марказий банки ташкил этилиши билан бошланган. 1980 йилда Бумипутера Иқтисодий Конгресси ўша пайтдаги Зиёрат кенгашига Ислом банкини ташкил этишга рухсат бериш тўғрисида қарор қабул қилди ва Миллий университетдаги семинар иштирокчилари ҳам Ислом банки учун махсус қонун зарурлигини қўллаб-қувватладилар. Шундан сўнг, 1983 йилда Банк Ислам Малайсия Берҳад (БИМБ) ташкил этилиши билан бошланган. Худди шу даврдан бошлаб, Банк Негара Малайсия (БНМ), Suruhanjaya Sekuriti Malaysia, (the Securities Commission (SC)) Қимматли қоғозлар комиссияси билан ҳукумат Малайзияда ислом банки ва молиясининг ўсишини тезлаштириш учун турли сиёсатларни амалга оширишга киришишди. Малайзияда ислом банкининг ривожланиши Малайзия ҳукуматининг мажбурияти билан 1983 йилдаги Ислом банки қонуни ва шу йилдаги ҳукумат инвестициялари тўғрисидаги қонунни жорий этиш билан бошланган.

Банк Ислам Малайсия Берҳад (БИМБ) жами активлар 1984 йилдаги 325,5 миллион РМ дан 1993 йилда 1 890,6 миллион РМ гача олти бараварга ўсди, шу билан бирга депозитлар РМ 241,4 миллиондан 1,611,7 миллион РМ гача ва кредитлар 161,1 миллион РМ дан 996,4 миллион РМ гача ўсди. Шунингдек, 4 расмга кўра, Банк Ислам Малайсия Берҳаднинг умумий активлари 2014 йилдан 2022 йилгача бўлган даврда сезиларли даражада ўсди. Банкнинг 2014 йилдаги жами активлари ўртача 45 млрд бўлса, 2018 йил декабр ойида банкнинг жами активлари 63,939 млрд РМни қайд этди. Шунингдек, Банк Ислам Малайсия Берҳаднинг 2018 йил декабридан 2022 йилгача яқунланган молиявий йиллардаги жами активлари ўртача 75,235 млрд РМга ўсди. Банк Ислам Малайсия Берҳаднинг жами активлари 2022 йил декабр ойида 89,852 млрд РМни қайд этди.




4 расм. Банк Ислам Малайзия Берҳаднинг 2014 йилдан 2022 йилгача жами умумий активлари

1994 йил январ ойида Банк Негара Малайсия (БНМ) ислом банклараро пул бозорини (ИИММ) жорий қилди ва Негара банкининг мақсади анъанавий банк тизими билан параллел ишлаш учун тўлиқ ислом банки тизимини яратишдан иборат эди. Шунингдек, Банк Негара

Малайсия (БНМ) ўзининг исломий банк иши ва такафул бўйича маслаҳат берувчи ягона ваколатли орган сифатида Шариат Маслаҳат Кенгаши (САС)ни ташкил этди. Бундан ташқари, Шариат маслаҳат кенгаши ислом банк иши ва молияси билан боғлиқ Сурия масалаларини мувофиқлаштиради, ислом банки ва Такафул компаниялари томонидан таклиф қилинган янги маҳсулотлар бўйича Шариат жиҳатларини таҳлил қилиш ва баҳолаш учун жавобгар ҳисобланади. Шунингдек, Малайзияда 1999 йилда иккинчи ислом банки ташкил этилди ва бу Банк Муамалат Малайсия Берҳад (БММБ) ҳисобланиб, Банк Бумипутра Малайсия Берҳад (БММБ) ва Берҳад савдо банки (Bank of Commerce Berhad (BOCB)) ўртасидаги бирлашув натижасида пайдо бўлди.

Малайзияда ислом банк иши 2004 йилда янги босқичга эришди Мамлакатда тўлақонли хорижий исломий банкларнинг мавжудлиги, бу унинг ўсишида янги имкониятларини ишга туширишга эришади, шунингдек, умумий ислом молия тизимининг самарадорлиги ва ривожланишини оширади. Бу эса мамлакатдаги ислом молия тизими тез суръатлар билан ўсиб бориши ва ислом молияси бўйича малакали мутахассис ва кадрларга бўлган талабнинг ошишига олиб келди. Бунинг натижаси ўлароқ БНМни 2006 йилда Ислом молиясига оид таълим соҳаси бўйича Халқаро марказни (the International Centre for Education in Islamic Finance - INCEIF) ташкил этишига олиб келди. Бу марказ ислом молияси бўйича мутахассис кадрларни тайёрлашга йўналтирилди. Бугунги кунга келиб эса, Малайзияда ислом банк иши ва молияси бўйича марказлардан тортиб бир қанча давлат ва хусусий олий ўқув юртлари мавжуд.



3-расм. Малайзиянинг жами ислом молиявий активларининг ўсиш тенденцияси (млрд АҚШ долларида)

Юқоридаги 3-расмдан кўриш мумкинки, Малайзияда жами ислом молиявий активлари 2011 йилда 131 млрд АҚШ долларни ташкил этди, бу кўрсаткич 2016 йилга келиб 4 бараварга ошиб 405,985 млрд АҚШ долларни қайд этди. 2020 йилда жаҳонда пандемия бўлишига қарамасдан Малайзияда ислом молиявий активларининг ўсиши давом этди ва 620 млрд АҚШ долларга етди. Бу кўрсаткич 2022 йилда эса 650 млрд АҚШ долларни ташкил этди.

Қуйидаги 1-жадвалда эса, 2022 йилда Ислом молиясининг ривожланиши индекси бўйича биринчи ўринни Малайзия қайд этди. Кейинги ўринларда эса Саудия Арабистон, Индонезия, Баҳраин, Қувайт, БАА, Уммон ва бошқа давлатлар ислом молияси ва исломий банкларни ташкил этишда етакчилик қилди. Ушбу индекснинг баҳолаш мезонидан ўрин олган бўлимлар жумладан, ислом молияси бўйича билимга эгаллик даражасидан 147 балл, ислом молиясидан хабардорлик бўйича 172 балл яъни бу кўрсаткичлар бўйича барча мамлакатлар ичида энг юқори натижани қайд этди. Бундан ташқари, Ислом молиясининг ривожланиш индексида рейтинг бўйича иккинчи ўринни қайд этган Саудия Арабистон ислом молиясидан хабардорлик бўйича 143 балл, ислом молияси бўйича билимга эгаллик даражасидан 75 баллни эгаллади. Ундан кейинги ўринларни эгаллаган Индонезия ва Баҳраин эса Ислом молиясини ривожланиш кўрсаткичи

2022 йил натижасига кўра 61 ва 59 баллни, ислом молиясидан билимга эгаллик даражаси бўйича 195 ва 49 баллни, ислом молиясидан хабардорлик бўйича эса 56 ва 112 баллни қайд этишди.

Шунингдек, 1-жадвалда келтирилган маълумотлар асосида, жадвалда келтирилган барча давлатларнинг ислом молиясидан хабардорлик бўйича глобал ўртача кўрсаткичи 12 баллни, ислом молиясини ривожланишининг 2022 йил натижасидаги глобал ўртача кўрсаткичи умумий 9 баллни кўрсатди.

1-жадвал

Ислом Молиясининг ривожланиш индекси бўйича 2022 йилдаги энг юқори кўрсаткични қайд этган мамлакатлар

Мамлакат	Рейтинг	ИМРК 2022 йил натижаси	Молиявий кўрсаткич	Бошқарув	Барқа- рорлик	Билим	Хабар- дорлик
Малайзия	1	113	98	94	117	147	172
Саудия Арабистон	2	74	65	49	89	75	143
Индонезия	3	61	31	65	30	195	56
Баҳраин	4	59	35	86	36	49	112
Қувайт	5	59	42	75	20	21	157
БАА	6	52	33	71	28	34	116
Уммон	7	48	16	89	45	28	94
Покистон	8	43	22	75	24	52	58
Қатар	9	38	25	47	21	16	102
Бангладеш	10	36	30	61	18	14	47
Малдив ороллари	11	32	16	72	35	12	19
Бруней Даруссалам	12	31	14	58	10	32	48
Иордания	13	29	15	40	51	43	17
Судан	14	27	32	51	3	9	5
Сингапур	15	27	4	66	61	4	8
Глобал ўртача кўрсаткич		9	5	16	7	7	12

Мамлакатимизда Исломий молиялаштириш ишлари 2004 йилда бошланган бўлиб, бу Ўзбекистоннинг Ислом тараққиёт банки (ИТБ) аъзолигига қўшилгани билан боғлиқдир. 2004 йилда Ислом тараққиёт банки (ИТБ) томонидан энергетика ва соғлиқни сақлаш соҳасида лойиҳаларни молиялаштириш учун “ижара” ва “муробаҳа” шартномаларидан фойдаланилган. Бу лойиҳаларнинг амалга оширилиши мамлакатда ислом молиясини кириб келишига туртки бўлган эди.

Бугунги кунга қадар Ислом тараққиёт банки (ИТБ) томонидан жами 2,5 миллиард доллардан ортиқ бўлган 30 та йирик инвестиция лойиҳаси маъқулланган. Улар доирасида мактаблар, арзон уй-жойлар, автомобиль йўллари, электр ва ичимлик суви тармоқлари қурилиб, соғлиқни сақлаш муассасалари замонавий жиҳозланган. Шунингдек, Ўзбекистон Ислом тараққиёт банкидан ташқари яна Хусусий секторни ривожлантириш ислом корпорацияси (ХСРИК) аъзоси ҳам ҳисобланади. Бу корпорация ИТБ гуруҳига киради ва ҳозирга қадар Ўзбекистонда ташкилот томондан 350 миллион доллардан ортиқ лойиҳаларни молиялаштириш маъқулланган. Корпорация мамлакатдаги ўз фаолиятида асосан “муробаҳа” молиялаштириш усулидан фойдаланади.

ХСРИК томонидан молиялаштиришнинг асосан муробаҳа воситаси кенг қўлланилади ва унинг 70% дан ортиғи банклар орқали молиялаштириш линияларига тўғри келади, қолган 30% эса тўғридан-тўғри молиялаштиришдир. Хусусий секторнинг бу лойиҳалари иқтисодийнинг турли тармоқлари, хусусан, фармацевтика, соғлиқни сақлаш, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, тўқимачилик, озиқ-овқат саноати, қишлоқ хўжалиги ва бошқа соҳалар ривожига ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Шунинг таъкидлаш жоизки, исломий молия маҳсулотларидан мамлакат иқтисодий субъектларининг фойдаланиши учун қонуннинг мавжуд бўлиши шарт ҳисобланади. Лекин афсуски, Ўзбекистон Республикасида исломий молиялаштиришга доир алоҳида қонунчилик мавжуд эмас.

Ислом тараққиёт банки ва Хусусий секторни ривожлантириш бўйича ислом корпорацияси томонидан мамлакатимизда молиялаштириладиган лойиҳалар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 27 августдаги 371-сонли қарори ва 2004 йил 21 декабрдаги қарорига асосан амалга оширилади. Уларга кўра ҳукумати ИТБ ва ХСРИКни ташкил этиш тўғрисидаги келишув моддаларини қабул қилган. 2004-2021 йилларда Ўзбекистонда Ислом тараққиёт банки билан биргаликда амалга оширилган Ўзбекистон доирасида қабул қилинган қарорлар таҳлил қиладиган бўлсак, лойиҳаларни амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилинган ва лойиҳа якунида ушбу қарорлар ўз кучини юқотган.

Хулоса ва таклифлар.

Тадқиқотимиз натижаларидан шундай хулоса қилиш мумкинки, Малайзияда ислом молияси анча тараққий этганлиги таҳсинга сазовордир. Шунингдек, Ўзбекистонда ислом молияси амалиёти, унинг ривожланиш истиқболлари ҳақида сўз юритадиган бўлсак, ислом молияси мамлакатимизда нафақат тадбиркорлар учун ва балки жисмоний шахслар учун ҳам зарур бўлган янги соҳа ҳисобланади. Муқобил молиялаштириш маҳсулотларининг пайдо бўлиши аҳолининг молиявий хизматлардан фойдаланиш имкониятларини юксалтиришга ёрдам беради. Лекин, потенциал мижозларнинг исломий молия соҳаси бўйича тажрибага, шунингдек билимга ҳам эга эмаслиги бу янги соҳага доир мавжуд кутилмалар ижобий бўлмаслиги мумкин. Бундан ташқари, банк-молия қонунчилигининг етарли даражада такомиллаштирилмаганлиги ҳам ижобий натижани бермаслиги мумкин. Ривожланаётган ислом молия тизимига оид Малайзия тажрибаси, энг аввало, тегишли меъёрий-ҳуқуқий базани ишлаб чиқиш, тегишли инфратузилмани шакллантириш, аҳолига ислом молияси бўйича тушунтириш ишларини олиб бориш, шу билан бирга, инвестор давлатлар билан халқаро ҳамкорликни мустақамлаш зарурлигини кўрсатади. Ушбу мақолада келтирилган хулосалар асосида қолган масалалар бўйича истиқболли ишларимиз давом этмоқда ва келгуси мақолаларимизда тақдим этиб борилади.

Adabiyotlar/Literatūra/Reference:

- Bank Negara Malaysia, Financial Stability Report, various issues, Kuala Lumpur (Malaysia)
Islamic Financial Services Industry (IFSI) Stability Report (2022)
ICD – REFINITIV ISLAMIC FINANCE DEVELOPMENT REPORT (2011- 2022)
Ledy Mahara Ginting, Nafisah Ruhana, (2019), Legal and Regulatory Framework of Islamic Banking and Finance: A Study in Singapore International Journal of Management and Applied Research, Vol. 6, No. 4,
Usmani Muhammad Taqi, (2007), “Sukuk and their contemporary applications” Translated from the original Arabic by Sheikh Yusuf Talal DeLorenzo, AAOIFI Shari’a Council meeting, Saudi Arabia. 15 p.;
- Maher Hasan and Jemma Dridi, (2010), The Effects of the Global Crisis on Islamic and Conventional Banks: A Comparative Study. Author’s E-Mail Address: mhasan@imf.org, jdridi@imf.org, International Monetary Fund
- Mariatul Aida Jaffar, Rosidah Musa, (2016), Determinants of Attitude and Intention towards Islamic Financing Adoption among Non-Users *Procedia Economics and Finance Volume 37*, Pages 227-233.
- Muhammad Jamal Haider, Gao Changchun, Tayyaba Akram, Syed Talib Hussain, (2018), Exploring Gender Effects in Intention to Islamic Mobile Banking Adoption: an empirical study *Arab Economic and Business Journal Volume 13, Issue 1*, June, Pages 25-38,
- Nurulashikin Romli, Wan Nur Safiyah Asma’ Hairul Anuar, Aflah Isa, and Suhana Mohamed, (2022), Published Online: 28 August, The Internal and External Factors That Determine the Performance of Islamic Banks in Malaysia. International Journal of Academic Research in Accounting, Finance and Management Science, 12(3), 330–343. [The Internal and External Factors That Determine the Performance of Islamic Banks in Malaysia \(hrmars.com\)](https://www.hrmar.com)
- Аброров С.З. (2020), Ўзбекистонда сукук – исломий қимматли қоғозларни жорий этиш истиқболлари. 08.00.07-Молия, пул муомиласи ва кредит PhD илмий даражаси диссертацияси /ТДИУ Т;

Антропов В.В, (2017), Исламские финансы в глобальной экономике: современные тенденции перспективы. Причины появления исламских финансов // Экономический журнал. №48.с. 57-77;

Зарипов И.А, (2016), Малайзия – флагман исламских финансов // Вестник финансового университета. №4. с. 118-129

Зайниддинов Р.Х, (2022), Тошкент, ЎЗБЕКИСТОНДА ИСЛОМ МОЛИЯСИННИГ РИВОЖЛАНИШИ: ТЎСИҚЛАР ВА ТАВСИЯЛАР. 2/, mart-aprel (№ 00058). “Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” (Economics and Innovative Technologies) ilmiy elektron jurnali. DOI: 10.55439/EIT/vol10_iss2/a4. 27-41 b.

Имамназаров Ж.М, (2023), Ислому молия тизими имкониятларидан Ўзбекистон иқтисодиётида фойдаланишнинг назарий асосларини такомиллаштириш 08.00.01 - Иқтисодиёт назарияси. PhD илмий даражаси диссертацияси /ТДИУ Т.

Имамназаров Ж, (2018), Тошкент, Ўзбекистонда ислом банк-молия тизимини шакллантириш ва ривожлантириш истиқбол ва имкониятлари. «Бозор, пул ва кредит». – Тошкент, - №9. – С. 30-37.;

Мокина Л.С, (2017), Исламские ценные бумаги как источник финансирования инвестиционных проектов и перспективы их размещения на финансовом рынке России // Российское предпринимательство. Том 18. №22. с. 3429-3446;

Трофимова О, (2009), Мусульмане и ислам в Западной Европе // Мировая экономика и международные отношения. №10. с. 52-62;

Турсунов А.С, (2021), Ўзбекистон, Тижорат банкларидан исломий банк хизматларини ривожлантириш йўналишлари. 08.00.07-Молия, пул муомиласи ва кредит PhD илмий даражаси диссертацияси /ТДИУ Т.

Хасанов Х, (2017), Ахлоқий (исломий) молиялаштириш тизими – инновацион молиялаштириш востиси сифатида (Ўзбекистон ва МДҲ мисолида). “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 5 .;